O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2003 йил 25 апрель, №88 (3200) Жума


# БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ – ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪРИФИЙ ДУНЁ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессиясидаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Ҳурматли депутатлар!

Олий Мажлисимизнинг ушбу сессияси кун тартибига ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ўта муҳим ўрин тутадиган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги масала киритилган.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этаётган асосий омиллар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Конституцияга зуғлик билан ўзгартиришлар киритиш ёки уни қайтадан кўриб чиқишни талаб қиладиган қандайдир шошилинч ҳолат ёки вазият юз бергани йўқ.

Сизларга яхши маълумки, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда умумбашарий қадриятлар устуворлигини ўзида мужассам этган бизнинг янги Конституциямиз мустақил ва суверен тараққиётимизнинг дастлабки босқичида, 1992 йилнинг декабрида қабул қилинган эди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу Конституция мустабид тузумдан демократик жамиятга, мамлакатни бошқаришда инқирозга юз тутган ўта марказлашган маъмурий-буйруқбозлик ва тақсимлаш тизимидан эркин иқтисодиётга ўтишни таъминлади, давлатчилик ва ҳуқуқ, сиёсат соҳаларида, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган ислоҳотларни амалга оширишда ишончли қонунчилик негизи ва ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган демократик тамойиллар, мақсад ва вазифалар асосида мамлакатимизни модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча жабҳалари, жумладан, қонунчилик, ижро ва суд-ҳуқуқ соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган дастур қабул қилинди ва у изчил амалга оширилмоқда.

Юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар ва миллий анъаналарни ҳаётга жорий этиш масаласининг Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилиши жамиятимизни янгилашга, жаҳон демократик ҳамжамияти билан интеграциялашувга интилаётган мамлакатимизнинг янги қиёфаси ва фуқароларимизнинг янгича тафаккурини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Юқорида баён этилган фикрларни умумлаштириб, амалдаги Конституциямизда белгилаб қўйилган қадрият, мақсад ва вазифаларни мустақил тараққиётимиз даври мобайнида ҳаётга жорий этишда эришилган натижаларни, юксак марраларни танқидий баҳолар эканмиз, бир нарсага қайта ва қайта ишонч ҳосил қиламиз.

Яъни, бизнинг халқимиз учун мутлақо номақбул бўлган, мафкуралашган эски тизимдан воз кечиб, ўзимизга мос босқичма-босқич тадрижий ўзгариш, янгиланиш ва тараққиёт йўлидан бориш, очиқ, эркин демократик жамият қуриш — биз учун фаровон келажакка қаратилган ягона тўғри йўл эди ва шундай бўлиб қолажак.

Биз учун бундан бошқа йўл йўқ.

Шу ўринда табиий савол туғилиши мумкин: у ҳолда нима учун мамлакатимиз Конституциясига тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш таклиф этилмоқда? Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Табиийки, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, у доимо ҳаракатда ва ўзгаришда. Шундай экан, юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ҳар бир босқичида янги-янги муаммолар пайдо бўлади ва уларни ҳал этиш бўйича замон бизнинг олдимизга янги-янги вазифаларни қўяди.

Шу маънода, бугун эзгу мақсадимиз — мамлакат тараққиёти ва фаровонликка эришишнинг ягона йўли — бу фақатгина изланиш, янгиланиш ва ислоҳотлар йўлидаги олға интилиш экани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Бу борада биз эришган натижалар — давлатимизни янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган бутун бир тизимнинг дастлабки босқичи, холос. Республикамизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг кўлами кенгайиб, суръати жадаллашиб боргани сайин, бу жараёнларнинг изчиллиги ва давомийлигини сақлаган ҳолда, жамиятни янада эркинлаштириш ва демократиялаш мократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти пойдеворини шакллантириш бўйича қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини тасдиқлаб берди.

Олий Мажлиснинг X сессиясида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги конституциявий қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар Олий Мажлис палаталарининг мақомини, уларни шакллантириш тартибини, ваколатларини, ўзаро ҳамда бошқа ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилиш механизмларини аниқлаб берди.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, референдум якунлари ва унинг асосида қабул қилинган учта конституциявий қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тегишли ўзгартиришлар киритиш учун зарур бўлган ҳуқуқий асосни яратди.

Мен бугун, мана шу имкониятдан фойдаланиб, яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиманки, таклиф этилаётган ўзгартириш ва тузатишлар Асосий Қонунимизнинг мазмун ва моҳияти, мақсад ва вазифаларига дахл қилмаган ҳолда, аввало, Олий Мажлис, унинг қуйи ва юқори палаталарининг мақоми ва ваколатларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини, шунингдек, сайлов тизими асосларини белгилаб берадиган қонда ва моддаларга тегишлидир.

Конституциянинг Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимиятига тааллуқли бўлган 107-, 110- ва 112-моддаларига ҳам айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бу ўзгартиришлар суд тизимини ихтисослаштириш ва такомиллаштириш жараёнини кенгайтириш, судларнинг вазифаларини янада аниқроқ белгилаб, уларнинг амалда мустақиллигини ишончли кафолатлашни таъминлашни ўзида акс эттиради.

Энг муҳими, мазкур ўзгартиришлар мамлакатимизда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни, у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқий нормаларни тубдан эркинлаштириш бўйича кейинги йилларда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг маъно-мазмунини яққол ифода этади.

Қисқача қилиб айтганда, бугун мамлакатимизнинг Асосий Қонунига киритиш таклиф этилаётган тузатиш ва ўзгартиришларнинг принципиал моҳияти нималардан иборат?

**Биринчидан.** Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида ваколатларнинг янада демократик, янада мутаносиб равишда қайта тақсимланиши ва уларнинг мувозанати таъминланади.

Ҳокимият тармоқларининг ҳар бирига Конституцияда белгилаб берилган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил ҳолда амалга ошириш учун зарур шарт-шароит ва кафолатлар яратилади.

Қонунчилик ҳокимиятининг роли ва аҳамияти сезиларли даражада ортади. Олий Мажлиснинг ҳукуматни шакллантириш ва унинг фаолиятини назорат қилиш, хусусан, Бош вазир номзодини тасдиқлашдаги роли ва ваколатлари кучаяди.

Президент ваколатларининг бир қисми, биринчи галда, давлат, суд тизими ва махсус хизматларнинг раҳбарларини, чет эллар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакилларни тайинлаш ва тасдиқлаш масалалари янги ташкил этиладиган юқори палата — Сенатга ўтказилади.

**Иккинчидан.** Конституциянинг "Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир" деб қайд этилган 89-моддасининг таҳрири принципиал равишда ўзгаради.

Бу модданинг "Ўзбекистон Республикаси Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади" дейилган иккинчи қисми олиб ташланади.

(Давоми 2-бетда).

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

24 апрель куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишини бошлади.

Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, чет мамлакатлар элчилари ва дипломатик корпуснинг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - Котибиятни ташкил этди.

Сессия қатнашчилари депутат Ф.Омонов хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёд этди.

Шундан сўнг кун тартиби тасдиқланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш заруратини юзага келтирган омилларга тўхталди. Президент Асосий Қонунга ўзгартишлар киритиш мамлакатимизнинг давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ва эркинлаштириш йўлидаги изчил ҳаракатининг холис инъикоси эканлигини, мамлакатимиз олдида турган мақсад ва вазифаларга эришиш учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлар яратишини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Ироқдаги воқеалар билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам фикр билдирди, ушбу муаммо бўйича Ўзбекистоннинг тутган позициясини ҳар томонлама асослаб берди.

"Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов тақдим этди.

Президент Ислом Каримов маърузаси ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси муҳокамасида парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов, Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори Н.Иброҳимов, Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, Эллиққалъа тумани ҳокими Н.Худойбергенов, Тошкент шаҳридаги "Фармед" хусусий фирмаси бош директори Д.Тошмуҳаммедова, Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов иштирок этди. Сўзга чиққанлар Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ва Ўзбекистоннинг Ироқ муаммосида тутган позициясини қўллаб-қувватлади.

Парламент "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди.

Сўзга чиққан депутатларнинг таклифига кўра, сессия Олий Мажлиснинг Ироқ муаммосини ҳал этиш бўйича Баёнотини қабул қилди. Уни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг молия вазири М.Нурмуродов Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йилдаги ижроси тўғрисида ахборот берди. Ушбу масала бўйича Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов маъруза қилди.

Парламент сессияси биринчи кунининг кечки мажлиси мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот муҳокамасидан бошланди. Унда "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси бош директори С.Умаров, Олтинсой тумани ҳокими Р.Олимов, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг Бухоро аэропорти директори Т.Баҳронов, Тошкент аграр университетининг "Ахборот технологиялари" кафедраси мудири А.Абдураҳимов иштирок этди. Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори М.Нормуродов, Марғилон шаҳри ҳокими А.Акрамов, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси бошқаруви раиси И.Латипов, Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи директори И.Бойжонов, Нарпай тумани "Пахтакор овози" газетаси бош муҳаррири Т.Тошмуродов, Сирдарё тумани ҳокими А.Синдаров қатнашди.

Олий Мажлис янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва уни оммавий ахборот воситаларида умумхалқ муҳокамаси учун чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессияда Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М.Умаралиев янги таҳрирдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси бўйича маъруза қилди.

Андижон тумани ҳокими Х.Ҳакимов, Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Э.Мирзаевнинг ушбу қонун лойиҳаси бўйича чиқишидан сўнг парламент янги таҳрирдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси давом этмоқда.

*СУРАТЛАРДА: сессиядан лавҳалар.*

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар

## Ироқ теварагидаги муаммони ҳал этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг БАЁНОТИ

Ироқ ва уни қуролсизлантириш муаммосини ҳал этишга қаратилган ҳарбий ҳаракатлар жаҳон жамоатчилиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тузилмалари, йирик халқаро ва минтақавий ташкилотлар, сайёрамизнинг кўпгина мамлакатлари диққат марказида турибди.

Воқеалар ривожининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг жуда кўп резолюциялари ва қарорлари бажарилиши юзасидан жаҳон ҳамжамияти томонидан кўрилган барча чоратадбирлар зое кетди. Ироқни қуролсизлантириш бўйича нуфузли халқаро комиссияларнинг ялпи қирғин қуролларини яратиш, ишлаб чиқариш ва қўлланиш имкониятларига чек қўйишга, Ироқ теварагидаги муаммони тинч йўллар билан ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари энг аввало мазкур мамлакат раҳбарияти ва бевосита Саддам Ҳусайннинг айби билан самара бермади.

Таассуфки, Ироқдаги ҳокимият тизимини тутиб турган режим кейинги ўн йиллар мобайнида қўшни суверен мусулмон мамлакатларига қарши бир неча бор уруш чиқарди, Эронга қарши урушда ва ўзининг тинч аҳолисига қарши кимёвий қурол ишлатди, халқаро ҳамжамиятнинг барча огоҳлантиришларидан тегишли хулосалар чиқариб олмади.

Бу масалада Ўзбекистон Республикаси тутган йўл мамлакатимизнинг халқаро терроризм ва экстремизмга қарши, ялпи қирғин қуроллари тарқалишига, наркотажовузга қарши, халқаро хавфсизликка бўлаётган бошқа хуруж ва таҳдидларга қарши қатъият билан кураш олиб боришга қаратилган изчил, собиткадам ва принципиал сиёсатининг мантиқий давоми бўлди.

Ироқдаги воқеалар ривожи, мамлакат аҳолиси Саддам Ҳусайн мустабид тузумининг зуғуми ва бедодлигидан халос бўлганлигини нақадар қувонч ва завқ-шавқ билан қутиб олаётганлиги Ироқда тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлидан, янгиланиш ва демократик ривожланиш, мамлакат халқининг тинчлик-хотиржамлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш йўлидан изчил бориш имкониятлари юзага келаётганлигидан далолат беради, деб ўйлаш учун барча асослар бор. Ироқда тартиб-қоида ва қонунийлик ўрнатилиши даражасига қараб, аҳолининг ҳаётий таъминоти пухта йўлга қўйиб борилади, мамлакатнинг тинч турмуши ва иқтисодиёти тикланади, ана шу ижобий жараёнлар, шак-шубҳасиз, кучая бориб, барқарорлик касб этади.

Ироқни тиклаш ишидаги ана шу мақсадларга эришишнинг муҳим шарти халқаро ҳамжамият томонидан, имкони кўтарган барча мамлакатлар томонидан аниқ ва амалий ёрдам кўрсатишга, зарур моддий ва молиявий маблағларни излаб топиш ҳамда ажратишга асосланиши мумкин ва шундай бўлиб қолиши ҳам керак.

Ўзбекистонда Ироқ халқининг кўҳна тарихини, миллий анъаналари ва бой маданиятини яхши биладилар ҳамда ҳурмат қиладилар. Илгари узоқ йиллар Ўзбекистон вакиллари — муҳандислар ва қурувчилар, ирригаторлар ва мелиораторлар Ироқ иқтисодиётининг турли қурилиш жабҳаларида меҳнат қилишган, ўша давр уларда яхши хотира бўлиб сақланиб қолган. Ишончимиз комилки, Ироқ тарихидаги ҳозирги мураккаб даврда ҳам ўзбекистонлик мутахассислар Ироқни тинч йўл билан тиклаш бўйича гуманитар лойиҳаларни амалга оширишда баҳоли қудрат ёрдам кўрсатадилар ва иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ироқ муаммосини ҳал этиш бўйича АҚШ ҳамда иттифоқчиларининг стратегик йўлини қатъият билан қўллаб-қувватлаётган давлатимиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сиёсати жуда тўғри эканлигини яна бир бор таъкидлайди, Ироқ халқи олдида гуллаб-яшнайдиган демократик жамият барпо этиш учун кенг имкониятлар юзага келаётир дея ишонч билдиради.

**Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган.**

## ШЕРИКЛИК ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

*ТОШКЕНТ, 24 апрель. (ЎзА мухбири Саидмурод РАҲИМОВ).*

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида тузилган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ҳаётга жорий қилишни қўллаб-қувватлашга қаратилган "Европэйд" дастури лойиҳаси ижросининг иккинчи босқичи бошланди.

Мазкур битимнинг моҳияти Европа Иттифоқи томонидан Ўзбекистонга бозор муносабатларини такомиллаштириш, хорижий сармоя ва савдо-сотиқ ҳажмини кўпайтириш каби масалаларда кўмак беришдан иборат.

Лойиҳанинг биринчи босқичида ҳукумат ва парламент тузилмалари вакиллари иштирокида халқаро семинарлар ўтказилиб, мазкур битимни ҳаётга жорий қилиш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама этилди. Европалик ва ўзбекистонлик мутахассислар ҳамкорлигида солиқ ва божхона ҳуқуқлари, корпоратив ҳуқуқлар, рақобат ҳақидаги қонун ҳужжатлари, хорижий сармоя бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилди.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида амалга ошириш кўзда тутилаётган муҳим масалаларнинг бири мазкур битимда ўз ифодасини топган меъёрларни ҳаётга жорий қилишнинг мониторингини амалга ошириш ва ахборот-маслаҳат марказини ташкил қилишдан иборат.

Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатимиз ҳуқуқ меъёрларини Европа Иттифоқидагига яқинлаштириш Ўзбекистонга хорижий сармоя жалб қилишни кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратади.

(ЎзА).

*Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессияси*

# БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ — ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪРИФИЙ ДУНЁ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИ

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессиясидаги маърузаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президент ваколатлари ҳамда вазифаларининг шу тарзда қайта тақсимланиши, ҳеч шубҳасиз, давлат қурилиши соҳасида бошланган демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, Бош вазирнинг, ҳукумат ва бутун ҳукумат тузилмаларининг ваколатларини ошириб, шу билан бирга, уларнинг масъулиятини сезиларли даражада кучайтириш имконини беради ва бундай ҳолат Конституцияда ўз тасдиғини топади.

**Учинчидан.** Қуйи, яъни Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий, профессионал асосда амалга оширади. Ўз-ўзидан равшанки, бу ҳол мазкур палатага сайланадиган депутатлар таркибининг сифат жиҳатидан ўзгаришига, уларнинг малака ва касб маҳоратига бўлган талабнинг ортишига олиб келади.

Айни вақтда биз қонунлар устида ишлаш жараёнининг ўзи ҳам тубдан ўзгаришини ва пировард натижада қабул қилинадиган қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг сифати ҳам яхшиланишини кутишга ҳақлимиз.

Сессия мажлислари тартибида ишлайдиган ҳозирги парламентимиздан доимий асосда ишлайдиган Қонунчилик палатаси фаолиятига ўтиш ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Ишончим комилки, депутатларнинг Қонунчилик палатасига партиялар томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосида ва ўз номзодини қўйиш йўли билан сайланиши, бугунги кунда фаолият юритаётган партияларнинг, шунингдек, нодавлат, жамоатчилик ва фуқаролик институтлари, бирлашма ва ташкилотларнинг жамият амалий ҳаётидаги ўрни, таъсири ва аҳамиятини тубдан кучайтириш учун зарур шарт-шароит яратади.

Ўз навбатида, вакиллик органи сифатида тузилаётган, ҳудудий субъектлар - маҳаллий кенгашлар депутатлари вакилларини тенг миқдорда бирлаштирувчи юқори палата - Сенатнинг шакллантирилиши Қонунчиликнинг энг юқори органи бўлмиш Олий Мажлисга, таъбир жоиз бўлса, мамлакатнинг юрак уришини билиб туриш, минтақалар билан бевосита алоқаларни амалга ошириш, уларнинг манфаатларини акс эттириш ва ҳимоя қилиш имконини беради.

Қуйи ва юқори палаталарнинг бундай тартибда шаклланиши Ўзбекистон Республикаси парламентида нафақат сиёсий гуруҳ ва ҳаракатларнинг, балки минтақавий кучларнинг, бир сўз билан айтганда, мамлакат аҳолиси барча ижтимоий қатламларининг манфаатларини тўлиқ ифода этиш учун зарур асос ва кафолатларни яратади.

**Тўртинчидан.** Ўз-ўзидан аёнки, қонунчилик ҳокимияти таркибий тузилишининг ўзгариши ва унинг икки палатали асосда шакллантирилиши билан ҳар қайси палатанинг ваколатларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг мутлақ ва биргаликда амалга оширадиган фаолият соҳаларини Конституциянинг ўзида аниқ чегаралаб қўйишнинг аҳамияти жуда катталигидир.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг фаолият соҳалари ва йўналишларининг, бу масаланинг барча жиҳатларини инобатга олган ҳолда, қонуний асосда конституциявий нуқтаи назардан аниқ-равшан белгилаб берилиши уларнинг ишида бир хиллик ва бир-бирини такрорлаш эҳтимолини бартараф этишни таъминлайди. Айни пайтда парламент аъзолари орасида ўзаро зиддият ва кибр-ҳавога берилиш, низоли вазиятлар вужудга келишининг ҳам олдини олишга имкон беради.

Бу борада қонунларни қабул қилишда барчамиз демократик тамойил ва меъёрларга риоя этишни ўрганишимиз, депутатлик этикасини сақлаган, халқ вакили деган муносиб номга лоғ туширмаган ҳолда, принципиаллик ва қатъият кўрсатиб ишлашимиз зарур.

Барчамиз жамиятда мавжуд бўлган турли кучлар ўртасидаги, биринчи галда, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш тизимини ўрганишимиз ва амалда ҳаётга жорий этишимизга тўғри келади. Бусиз демократик давлат фаолиятини тасаввур этиб бўлмайди.

**Бешинчидан.** Бугунги кунда ҳокимият тузилмаларини ташкил этиш ва мувозанатни сақлашнинг янги, янада мукаммал демократик тизимини шакллантириш бўйича кўрилаётган чоралар, Конституциямизга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар жамият сиёсий ҳаётини фаоллаштириш, фуқароларимизда ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ўзлигини англаш туйғусининг кучайиши учун жиддий омил бўлмоғи керак. Ва бу жараёнларни, ўз моҳият эътиборига кўра, ҳозирданоқ марказда ҳам, жойларда ҳам кўриш мумкин.

Бундай шароитда вазиятни тўғри баҳолаш, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, маҳалла каби ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тузилмаси бўлмиш умумэътироф этилган фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига тўсқинлик қилмаслик, аксинча, уларни шакллантириш ва ишини жонлантириш учун кенг имкониятлар яратиш ўта муҳимдир.

Шуни унутмаслик лозимки, авваламбор, айнан ана шундай тузилмаларда давлат ва мамлакат раҳбарияти олиб бораётган ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатга танқидий жиҳатдан холис баҳо берилади, ён-атрофда содир бўлаётган барча воқеа ва ҳодисаларга нисбатан билим ва тажриба, фуқаролик ёндашуви ва позицияси шаклланади.

Шак-шубҳасиз, бу жараёнда матбуотимиз, оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидениенинг роли катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жамиятимизни демократлаштириш борасида ҳаётга жорий этилаётган ишларимизга, уларнинг амалий аҳамиятига, аввало, сўз ва ахборот эркинлиги, ҳар қайси фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинлигини сўзда эмас, амалда қандай таъминланаётганига қараб баҳо берилади. Буни унутмаслигимиз лозим.

Жамиятимизни ривожлантириш борасида замон олдимизга қўяётган вазифаларни бажаришда, шубҳасиз, сайлов тизимини янада такомиллаштириш ўта муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Биз барчамиз оддий бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак.

Давлат ва жамиятни бошқаришнинг мукаммал лойиҳасини қабул қилиш, уни Конституция ва қонунларда муҳрлаб қўйиш мумкин, албатта.

Лекин биз ана шу ҳокимиятни сайлаш ва шакллантиришда халқ хоҳиш-иродасининг эркин намоён бўлишини таъминлай оласак, энг етук, юксак демократик тамойилларга жавоб берадиган сайлов тизимини марказда ҳам, жойларда ҳам жорий этмасак, билиб қўйинглар, буларнинг барчаси ҳеч нарсага арзимайдиган қуруқ ғап бўлиб қолади.

Шу маънода, сизларнинг муҳокамангизга қўйилаётган янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўйича турли манфаатдор гуруҳлар, биринчи галда, нуфузли халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг фикр-мулоҳаза, ёндашув ва танқидий баҳоларини инобатга олиш ҳамда уларни чуқур ва пухта ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Юқорида баён этилганларга якун ясар эканмиз, бугун Конституциямизга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш йўлида босқичма-босқич, изчил жорий этилаётган интилиш ва саъй-ҳаракатларимизнинг ҳолис ва амалий ифодаси бўлиб, биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларга — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқимиз фаровонлигига эришиш учун ишончли шарт-шароит ва конституциявий кафолатларни яратади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Ҳурматли депутатлар!

Энди ижозатингиз билан мен бугун халқаро ҳамжамият диққат марказида турган Ироқ ва унинг атрофидаги воқеалар билан боғлиқ масалалар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Сизларга маълумки, бу воқеалар узоқ тарихга эга.

Ироқ давлати ўзининг жўғрофий ва геополитик ўрни, жуда катта табиий заҳиралари, биринчи навбатда, нефть ва газ ресурсларига бойлиги билан доимо дунё аҳлининг эътиборини тортиб келган. Бу мамлакат орқали қадим-қадимдан савдо йўллари ўтган, иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланган.

Ҳозирги кунда жаҳон бўйича аниқланган нефть заҳираларининг 11 фоиздан зиёди Ироқ ҳудудида жойлашган. Бу борада у Саудия Арабистонидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Агар Ироқда қазиб чиқариладиган нефть таннархи дунёда энг арзонлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу мамлакатнинг жаҳон нефть бозорида тутган ўрни ва аҳамиятини тасаввур қилиш қийин эмас.

Икки буюк дарё — Дажла ва Фирот оралиғида жойлашган бу ўлкада азалдан илму фан, санъат ва ҳунармандчилик гуллаб-яшнаган. У ўз бағрида Шумер ва Аккад, Бобил ва Оссурия сингари энг қадимги цивилизациялар билан боғлиқ тарихий хотира ва ёдгорликларни сақлаб келади. "Ҳикматлар уйи" деб ном олган Бағдод академияларида эса ўз даврида Шарқнинг буюк мутафаккирлари, ислом маданияти ва фалсафасининг машҳур вакиллари таҳсил олгани ҳам тарихдан яхши маълум.

Бир сўз билан айтганда, ана шундай бой тарих ва улкан имкониятларга, йигирма беш миллионли аҳолига эга бўлган бу давлат, ҳеч шубҳасиз, ўз халқига муносиб турмуш шароити яратиб бериши, фаровон ҳаёт кечириши мумкин ва зарур эди.

Ироқ халқининг ҳаёти, ҳеч бўлмаганда, Форс кўрфазидаги Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Баҳрайн, Қатар, Уммон каби бадавлат қўшни мамлакатларнинг бугунги турмуш даражасидан кам бўлмаслиги лозим эди.

Бироқ, минг афсуски, кетма-кет содир этилган қонли тўнтаришлар, бегуноҳ қурбонлар ва ҳатто ўзининг яқин қариндошларини ҳам аёвсиз йўқ қилиш натижасида 1979 йили ҳокимият тепасига келган Саддам Ҳусайн ҳукмронлик қилган даврда Ироқдаги бу имкониятлар ишга солинмади.

Саддам Ҳусайннинг президентлик тарихи шуни кўрсатмоқдаки, унинг бош мақсади — ўз халқини доимий кўрқув ва итоатда ушлаб туриш, кимки бунга бўйсунмаса, шафқатсизларча қириб ташлашга қаратилган.

Унинг энг асосий нияти — ўз куч-қудратини нафақат мамлакат ичида, балки ундан ташқарида ҳам намойиш этиш, нефть ва газга сероб бўлган қўшни ҳудудларни ўз таъсир доирасига олиш, ижмига бўйсундириш, шу тарика бой ва улкан ушбу минтақада ўз ҳукмини ўтказиш ва якка ҳукмрон бўлиб олишдан иборат эди.

Саддам ўзи тузган кучли полиция ва мустабид тизим ёрдамида мамлакатнинг деярли барча бойликлари, биринчи навбатда, нефть ва унинг манбаларини сотишдан тушган маблағларни асосан ўзининг ва гумашталарининг бойлик орттириши учун, ҳар бир шаҳарда муҳташам сарой ва дабдабали мажмуалар барпо этиш, ўзининг баҳайбат ҳайкалларини ўрнатиш, керак бўлиб қолганида, жон сақлаш учун мураккаб ерости иншоотларини қуришга сарфлади, десак, муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда хорижий мамлакатлардаги қатор банкларнинг ҳисоб рақамларида Ҳусайн ва унинг яқинларига тегишли кўп миллиардлаб доллар пул ва катта миқдордаги бошқа қимматбаҳо бойликлар борлиги аниқланмоқда.

Саддам Ҳусайн амалда президентлик фаолиятининг дастлабки йилларидан бошлаб оммавий қирғин қуролини қўлга киритишга жуда катта эътибор қаратди.

У 80-йиллардаёқ айрим қудратли давлатлар ёрдамида бир нечта атом реакторини қуришга эришган, ядро қуроли яратишда ишлатиладиган технология ва парчаланувчи материаллар ишлаб чиқариш учун керакли асбоб-ускуналар сотиб олган, кимёвий ва биологик қурол тайёрлаш учун зарур базага эга бўлган эди.

Қўшни Эрон мамлакати билан 8 йиллан кўпроқ давом этган ва 800 минг кишининг ёстиғини қуритган ҳарбий можаро шуниси билан ажралиб турадики, тақиқланган кимёвий қурол айнан мана шу урушда Саддам Ҳусайн томонидан қўлланган эди.

У ўз халқини бўйсундириш учун ҳатто биологик қуролни ишлатишдан ҳам тап тортмади. Натижада юз минглаб курд миллатига мансуб тинч аҳоли ҳалок бўлди, улар яшайдиган 40 дан ортиқ аҳоли пунктлари йўқ қилиб ташланди.

Ўз кирдикорларига жазо берилмаслигига ишонган ва ҳарбий қудратига маҳлиё бўлган Саддам Ҳусайн 1991 йили ўзини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган қўшниси — Қувайтни босиб олиш ва унинг нефть заҳираларига эгалик қилиш учун бу мамлакатга ўз армиясини йўллади.

Сизларга яхши маълумки, ўшанда АҚШ етакчилигида халқаро коалиция томонидан ўтказилган "Саҳродаги бўрон" ҳарбий операциялари натижасида Қувайт озод қилинган эди.

Шу ўринда, ўша йиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюциясига кўра, Ироқ 90 кун ичида тўлиқ қуролсизланиш, оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш бўйича олиб бораётган барча ишларини тўхтатиш мажбуриятини ўз зиммасига олганини ҳам эслаб ўтиш жоиз.

Бироқ, кўриб турибмизки, Саддам Ҳусайн 1991 йилги шармандали мағлубиятдан ўзига ҳеч қандай сабоқ чиқариб олмади.

Аксинча, мана шу ўтган йиллар давомида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қуролсизланиш бўйича қўплаб резолюцияларини халқаро кузатувчилар назорати остида сўзсиз бажариш ўрнига, Саддам Ҳусайн Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бутун жаҳон ҳамжамиятининг иродасини тан олмай, ўзининг сурбетларча ўйинини давом эттириб келди, дейишга бугун дунё жамоатчилигида барча асослар етарли.

Ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли қарори билан "Нефть эвазига — озиқ-овқат" дастури асосида Ироққа ёрдам кўрсатиш бошланган бир пайтда, бу маблағлар очликдан қийналаётган аҳоли ва нобуд бўлаётган болалар учун эмас, балки, биринчи навбатда, ҳарбий кучлар сонини кўпайтириш ва замонавий қурол-яроғлар сотиб олишга сарфланди.

Ҳолбуки, Яқин Шарқ минтақасида энг кучли ҳисобланган 450 минг кишилик армияни, бунга қўшимча равишда "фидойинлар" деб аталадиган жангарилардан иборат кўп сонли махсус бўлинмаларни шакллантириш ва сақлаб туриш, уларни замонавий қурол ва зирҳли техника билан таъминлаш учун, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маблағ талаб этилади.

Хўш, бундай маблағлар қаердан олинди? Бу маблағлар, авваламбор, нефть конларини ўзлаштириш бўйича тузилган шартномалар, нефтни турли йўллар билан сотиш ва Ироққа ажратилаётган кредитлар ҳисобидан олинди.

Бугун, баъзи маълумотларга қараганда, Ироқ давлатининг расман тан олинган ташқи қарзларининг ўзи 100 миллиард доллардан зиёдни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда, Ироқ ҳудудининг ҳали у, ҳали бу ерида кимёвий ва биологик қуролнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи турли заҳиралар топилаётгани, бу ўта хавфли моддалар билан тўлдирилган ўқ-дори ва снарядлар учраётгани халқаро жамоатчиликда жиддий хавотир уйғотмаслиги мумкин эмас.

Мана шундай вазиятда билдирилган айрим фикрларга, яъни ҳарбий ҳаракатлар бошланиши арафасида Ироқ амалда ҳеч кимга таҳдид солмайдиган заиф ва беозор давлатга айланиб қолган, деган баёнотларга қўшилиб бўлмайди, албатта.

Ҳурматли дўстлар!

XXI аср бошланиши билан дунё "уруш" деган тушунчанинг барчага маълум бўлган анъанавий маънолари тубдан ўзгарган янги бир даврга қадам қўйди.

Бутун маърифий халқаро ҳамжамият 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йоркда содир этилган даҳшатли террорчилик хуружидан сўнг бу аччиқ ҳақиқатни, айниқса, чуқур англади.

Мана шу фожиали воқеалардан кейин барча мамлакатлар, жумладан, энг замонавий, энг кучли қуролларга эга бўлган қудратли давлатларга ҳам бугун жаҳон майдонида ўзини намойиш қилаётган даҳшатли таҳдиддан, халқаро террорчилик ва ақидапарастлик балосидан ўзини, ўз халқини илгари қўлланган усуллар билан ҳимоялаш мумкин эмаслиги бирданига аён бўлиб қолди. Буни ҳамма тушуниб етди.

Транспорт ва коммуникация воситалари юксак даражада ривожланган ҳозирги шароитда - ядровий бўладими, кимёвий ёки биологик бўладими - бундан қатъи назар, оммавий қирғин қуроллари учун чегара ва масофанинг аҳамияти йўқлиги инобатга олинса, бундай қуроллар террорчи ва ақидапараст кимсалар қўлига тушиб қолса, қандай мудҳиш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Бундай хавф-хатарга қарши фақат битта чора қўллаш мумкин, у ҳам бўлса, барча мамлакатлар ва халқларнинг куч ва саъй-ҳаракатларини бир мақсад йўлида бирлаштиришдир. Бу борада террорчилик ва унинг турли қиёфаларда намоён бўладиган кўринишлари билан ўйин қилишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, бу офат бизни четлаб ўтади, деган хомхаёлларга берилиш охир-оқибатда катта хато бўлади.

Яна бир масала — оммавий қирғин қуролини бошқаларга нисбатан, жумладан, тинч аҳолига қарши бир марта бўлса-да қўллаган, бугун ҳам халқаро ҳамжамият талабларини инкор этиб келаётган режимлар ва ёвуз кимсаларни тийиб қўйиш, керак бўлса, уларнинг йўлини бутунлай тўсиб ташлаш зарур.

Ишлаб чиқарилаётган оммавий қирғин қуролининг халқаро институтлар, биринчи галда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қатъий назорат қилинмайдиган ёки назорат остига олиб бўлмайдиган мамлакатларда мавжудлиги ёки пайдо бўлиш имконияти билан боғлиқ ҳар бир ҳодиса эртага катта қулфатга айланадиган, кейин олдини олиб бўлмайдиган хавф-хатарнинг жиддий белгиси сифатида қабул қилинмоғи керак.

Энди, ҳурматли депутатлар, Ироқда коалицион кучлар томонидан амалга оширилган ҳарбий операция муносабати билан билдирилган баёнотлар, яъни бу суверен давлатга қарши қаратилган ҳаракат бўлиб, у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюцияси чиқарилмасдан туриб бошланди, деган эътирозлар хусусида қисқача тўхталиб ўтсак.

**Биринчидан.** Саддам Ҳусайн 12 йилдан кўпроқ вақт мобайнида Ироқни қуролсизлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини назорат этиш учун юборилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўпдан-кўп комиссиялари ва мухтор вакилларини чалғитиб келди.

Бу комиссиялар Ироқдан намойишкорона чиқариб юборилгани ҳақида кўплаб далиллар келтириш мумкин. Чамаси, Саддам Ҳусайн Ироқда ҳар бири ўз манфаатига эга бўлган йирик давлатлар ўртасидаги зиддиятлардан фойдаланиб, бундай ўйинни истаганча чўзиши мумкинлигига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши томонидан Ироққа нисбатан иқтисодий жазо чораларидан бошқа кескин чоралар кўрилмаслигига чиндан ҳам ишониб қолган эди.

**Иккинчидан.** Яқин тарихда биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган суверен давлатлар ҳудудига Хавфсизлик Кенгашида ҳеч бир муҳокама қилинмасдан қуролли босқинлар содир этилгани билан боғлиқ далилларни ҳам биламиз. Бундай ҳаракатларни оқлаб бўлмайди, албатта, аммо шундай бўлгани ҳаммага маълум.

Мисол учун, 1979 йили совет қўшинларининг қардош афғон халқига интернационал ёрдам кўрсатиш баҳонасида Афғонистонга бостириб киргани эслаш кифоя, деб ўйлайман.

Ёдингизда бўлса, миллионлаб афғонларнинг нобуд бўлишига, уй-жойидан ажралиб, қочоққа айланишига, ўнлаб юзлаб аҳоли пунктларининг ер билан яксон қилинишига олиб келган бу босқинчиликнинг ташаббускорлари, афғон халқининг розилигини сўраш у ёқда турсин, ўз вақтида бу масалани ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашига қўйишни ҳам ўзларига лозим кўрмаган эди.

**Учинчидан.** Афғонистондаги уруш 20 йилдан ортиқ давом этди. Бу урушни тўхтатиш ва минтақада барқарорликни таъминлаш масалалари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўплаб йиғилиш ва ассамблеяларида муҳокама этилди, бу борада Хавфсизлик Кенгашининг ўнлаб резолюциялари қабул қилинди.

Бу мамлакатдаги хунрезлик ва бедодликни тўхтатиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўп-кўп ваколатли комиссиялари ва масъул делегациялари келиб кетди. Хўш, натижа нима бўлди? Ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллаб олган, халқаро ҳуқуқнинг бирон-бир нормасини мутлақо тан олмаган толибларнинг амалда жазосиз қолиши қандай оқибатларга олиб келди?

Афғонистон нафақат улкан Марказий Осиё минтақасига, аслида бутун дунёга таҳдид солаётган энг ашаддий халқаро террорчилар, экстремистлар ва ақидапарастларнинг полигонига айланиб қолди. Толиблар ва Афғонистонга уя қуриб олган кўп сонли террорчи гуруҳларнинг халқаро экстремизм марказларидан ва кўпгина мамлакатлардаги ҳомийлардан жуда катта миқдорда молиявий ёрдам олиб тургани ҳеч кимга сир эмас.

Уларнинг режалари фақат Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатларда қўпорувчилик ва террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш билан чекланмаган. Аксинча, бу ёвуз кучлар минтақадаги вазиятни батамом издан чиқариш ва қўшни давлатлар, жумладан, Ўзбекистон ҳудудини ҳам босиб олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Бугун биз шундай деб айтиш учун етарли маълумотларга эгамиз.

Толибларнинг бевосита бизнинг Амударё соҳилидаги чегараларимизга чиққани 1998 йилда ва ундан кейинги йилларда, айниқса, таҳликали вазият юзага келишига сабаб бўлди. Шундоққина мамлакатимиз остонасида турган бундай бало-қазо қаршисида бизнинг ёрдам сўраб қилган барча мурожаат ва даъватларимиз жавобсиз, ҳавода муаллақ қолгани ҳам ҳали-бери ёдимизда.

Очиқ айтадиган бўлсак, биз ўшанда 2000 йилгача ўзимиз аъзо бўлган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномаси доирасида бу масалада умумий баёнот ва ваъдалардан бошқа ҳеч қандай амалий ёрдам олганимиз йўқ.

Бир нарса барчамизга аниқ. Агар 2001 йилнинг сентябрида Нью-Йоркда содир этилган фожиали ҳодисалар оқибатида ён-атрофимиздаги воқеалар бошқача тус олмаганида, Ўрта Осиё давлатлари қандай вазиятга тушиб қолган бўлар эди — буни айтиш қийин. Фақат Америка Қўшма Штатлари бошчилигидаги антитеррор коалициясининг тузилиши, толибларнинг тор-мор этилиши, террорчиларнинг полигон ва базалари яксон қилиниши ана шу даҳшатли таҳдидни бизнинг сарҳадларимиздан олиб ташлади. Буни унутишга бизнинг ҳаққимиз йўқ.

Бу — дунёнинг қайси бир бурчагида бўлмасин, бирон-бир мамлакатдаги воқеаларнинг салбий ва хавфли ривожига лоқайдлик билан қараш қандай машъум оқибатларга олиб келиши мумкинлигига яққол мисол бўла олади.

**Тўртинчидан.** Биз барчамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сингари ўз мақсад-вазифасига кўра жаҳонда ягона бўлган халқаро ташкилотнинг нуфузини сақлаш, унинг обрў-эътиборини янада оширишдан манфаатдор бўлмоғимиз керак. Бугун буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Шу билан бирга, сўнгги ўн йилликлар давомида рўй берган кўплаб воқеалар, айниқса, "совуқ уруш" тугагани ҳамда ер юзида халқаро хавфсизликка нисбатан янги таҳдид ва хуружлар, жумладан, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиш хавфи пайдо бўлгани инобатга олинса, бизнинг назаримизда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави ва унинг айрим моддаларини ислоҳ қилиш ва қайта кўриб чиқишни тезлаштириш зарурати туғилмоқда.

Шунингдек, мазкур ташкилотнинг етакчи органи — Хавфсизлик Кенгаши таркибини ҳам қайта кўриб чиқиш, инсониятнинг тинч ва осойишта, фаровон ҳаёт кечиришини кўролмайдиган қабиҳ ниятли кучларга қарши ўз вақтида тегишли жавоб бера оладиган, янада самаралироқ бўлган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш даркор, деб ўйлаймиз.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман.

Ироқ ва унинг атрофидаги воқеаларни кузатиб бораётган ҳар бир одам ушбу жараёнлар баъзи бир мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари орқали қандай ёритилгани, телеканаллар ва матбуот саҳифаларида бу борада қандай шарҳ, тахмин ва башоратлар билдирилганига диққат қилган бўлса керак.

Агар қиёсласак, худди шундай аҳвол Афғонистонда антитеррор ҳаракатлари бошланган дастлабки кунлар ва ҳафталарда ҳам содир бўлган эди.

Ироқдаги ҳарбий операциялар масаласида ҳам, айрим таниқли ва обрўли ҳарбийлар, таҳлилчи ва сиёсатчилар ваҳимага тушиб, бўлаётган жангговар ҳаракатларга худдики учинчи жаҳон урушининг бошланиши, деб қараши кўзга ташланди.

Юз минглаб одамларнинг қурбон бўлиши, миллионлаб кишилар қочоқларга айланиши, ҳаво ҳужумлари оқибатида ўнлаб шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлиши, бутун минтақада гуманитар фалокат рўй бериши, бунинг таъсирида сайёрамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам вазият тубдан кескинлашиши, катта офатлар юзага келиши ва ҳоказолар ҳақида кўплаб башоратлар қилинди.

Бу урушнинг жуда оғир бўлиши ва узоқ давом этиши, пойтахт Бағдоднинг енгилмас қалъага, ҳар бир уй, ҳар бир кўчанинг эса "оккупация" қўшинлари йўлидаги мустаҳкам тўсиққа айланиши ва Ироқ аҳолисининг ҳар бири Саддам Ҳусайн учун ўз жонини қурбон қилишга тайёр экани ҳақида ҳам кўп гапирилди.

Эҳтиросларнинг шу қадар жўшиб кетдики, баъзи диний арбоблар америкаликларга қарши муқаддас жиҳод эълон қилишгача бориб етди.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси замирида айрим давлатлар вакиллари ва сиёсий арбобларнинг Саддам Ҳусайнга нисбатан яшириш қийин бўлган хайрихоҳлиги, у билан олиб борган ҳамкорлиги ва энди мутлақо ортга қайтмайдиган замонларни қўмсаши сезилиб турарди.

Охир-оқибатда ҳаммаси бошқача бўлиб чиққанига барчамиз гувоҳмиз. Ҳарбий ҳаракатларнинг йигирманчи кунида Америка Қўшма Штатларининг қуролли кучлари бўлинмалари деярли ҳеч қандай жиддий қаршиликка учрамаган ҳолда Бағдодга кириб борди. Саддам Ҳусайнга содиқ республикачилар гвардиясининг ҳарбий қудрати ва қўшиннинг жанговар руҳи тўғрисидаги афсоналар чиппакка чиқди.

Ҳарбий операциялар натижасида беҳисоб аскарлар ва оддий одамлар қурбон бўлиши, даҳшатли вайронагарчиликлар ва қочоқлар тўғрисида оламга жар солиб айтилган тахминлар амалда тасдиқланмади. Албатта, қурбонлар, йўқотишлар, вайроналар ҳам бўлди, аммо уларнинг сони ва ҳажми деярли минимал даражада.

Бундан ташқари, узоқ вақт Саддам Ҳусайннинг мустабид зулми остида, ўзининг ва болаларининг ҳаётини ўйлаб қўрқув ва таҳликада яшаган Ироқ аҳолиси, жумладан, бағдодликларнинг аксарияти коалиция кучларини кўтаринки руҳ ва катта умид билан кутиб олди. Бу ҳам яққол кўриниб турган ҳақиқат.

Мамлакатда тартиб ва қонунчилик ўрнатилиб, ироқликларнинг ўзи ҳам бу жараёнга жалб этилгани ва уларнинг ўз атрофидаги воқеаларни холис баҳолаши учун имкон яратилгани сари, Ироқда олиб борилган ҳарбий операциянинг асл моҳияти аҳоли томонидан англаб етилгани сайин бу ерда бошланган ижобий жараёнларнинг кучайиши муқаррар.

Қадрли юртдошлар!

Ироқ муаммосини ҳал этиш бўйича бизнинг ёндашувимиз, позициямиз қандай бўлгани ва унинг маъно-мазмуни нимадан иборат эканини баён этишдан олдин яқин тарихимиздаги баъзи воқеаларни эслаб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

Бу ўринда гап Ўзбекистоннинг Америка Қўшма Штатлари ва Афғонистонда антитеррор ҳаракатларини олиб борган коалициянинг стратегик режаларини қўллаб-қувватлаш бўйича тутган қатъий позицияси ҳақида бормоқда.

Сизларга шуни эслатмоқчиманки, ушбу позицияни биз Афғонистонда ҳарбий ҳаракатлар бошланмасидан аввал аниқ ва равшан баён қилган эдик. Шу пайтда коалиция ҳаракатларини қўллаб-қувватловчилардан кўра, бу масалада иккиланиб турганлар кўпчиликни ташкил этарди, боз устига, ҳарбий ҳаракатларнинг нима билан тугашини ҳали ҳеч ким аниқ билмасди.

Яъни, ўша мураккаб вазиятда ҳам бизнинг позициямиз коньюнктурадан холи эди ва аввало, мамлакатимизнинг олдиндан танланган ва амалга ошириб келаётган принцип ва тамойилларига жавоб берар эди.

Энди Ироқ масаласига келсак, Ўзбекистоннинг бу борадаги принципиал позицияси ва муносабати 2002 йилнинг ноябрида Прагада бўлиб ўтган НАТО ва Евроатлантика Ҳамкорлик Кенгаши (СЕАП) мажлисида, ушбу муаммонинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашидаги муҳокамаси чоғида баён этилган эди.

Бизнинг позициямиз кейинчалик мамлакатимиз раҳбариятининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотларида ўз ифодасини топди.

Мухтасар қилиб айтганда, биз Ироқни қуролсизлантириш масаласини ечиш бўйича Америка Қўшма Штатларининг ёндашувлари тўғри ва позицияси асосли эканини қатъий қўллаб-қувватладик.

Шу пайтда коалиция ҳаракатларини қўллаб-қувватловчилардан кўра, бу масалада иккиланиб турганлар кўпчиликни ташкил этарди, боз устига, ҳарбий ҳаракатларнинг нима билан тугашини ҳали ҳеч ким аниқ билмасди.

Яъни, ўша мураккаб вазиятда ҳам бизнинг позициямиз коньюнктурадан холи эди ва аввало, мамлакатимизнинг олдиндан танланган ва амалга ошириб келаётган принцип ва тамойилларига жавоб берар эди.

Энди Ироқ масаласига келсак, Ўзбекистоннинг бу борадаги принципиал позицияси ва муносабати 2002 йилнинг ноябрида Прагада бўлиб ўтган НАТО ва Евроатлантика Ҳамкорлик Кенгаши (СЕАП) мажлисида, ушбу муаммонинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашидаги муҳокамаси чоғида баён этилган эди.

Бизнинг позициямиз кейинчалик мамлакатимиз раҳбариятининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотларида ўз ифодасини топди.

Мухтасар қилиб айтганда, биз Ироқни қуролсизлантириш масаласини ечиш бўйича Америка Қўшма Штатларининг ёндашувлари тўғри ва позицияси асосли эканини қатъий қўллаб-қувватладик.

Шу пайтда коалиция ҳаракатларини қўллаб-қувватловчилардан кўра, бу масалада иккиланиб турганлар кўпчиликни ташкил этарди, боз устига, ҳарбий ҳаракатларнинг нима билан тугашини ҳали ҳеч ким аниқ билмасди.

Ҳалқимиз Ироқни, унинг меҳнатсевар халқини яхши билади. Ироқликларнинг қадимий маданият ва анъаналари кўп жиҳатдан бизга яқин, динимиз бир.

Ўзбекистон вакиллари — лойиҳачи ва қурувчилар, муҳандислар ва мутахассислар ўтган асрнинг 60-80-йилларида Ироқда иқтисодиётнинг турли соҳаларида, авваламбор, энергетика, мелиорация ва ирригация қурилиши соҳасида меҳнат қилганини кўпчилик яхши эслайди. Уларнинг барчаси ироқликлар билан ҳамкорликда ишлаган йилларини самимий таассуротлар билан ёдга олади.

Ўзбекистон мана шу кунларда ҳам Ироқда тинч ҳаётни тиклаш, инсонпарварлик лойиҳаларини амалга ошириш, тиббий ёрдам кўрсатиш, йўллар ва коммуникация тармоқларини бунёд этиш жараёнидан четда турмайди, бу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, десам, ўйлайманки, сиз ҳурматли депутатлар бу фикрни қўллаб-қувватлайсизлар.

Сўзимнинг якунида Ироқ халқига фаровонлик, тинчлик ва бирдамлик, ўз келажаги учун курашда муваффақиятлар тилаб, ўзимнинг эзгу туйғуларимни изҳор этсам, аминманки, нафақат сизларнинг, балки бутун халқ

Фармон ва ижро

# ХУСУСИЙ МУЛК — ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИШОНЧЛИ ПОЙДЕВОРИ

## Етакчи ва устувор соҳа

Тарихий тажриба шуни кўрсатдики, бошқа мулк шакллари хусусий мулк замирида пайдо бўлади, шу мулкнинг трансформациясини билдиради. Хусусий мулк миллийлаштирилганда давлат мулки, у кўнгилли равишда бирлаштирилганда жамоа мулки юзага келади. Мулкий хилма-хиллик мулк шаклларининг тенглигини, улардан ҳеч бири сунъий равишда чекланмаслигини билдирса-да, барибир бу хусусий мулкнинг устуворлигини талаб қилади. Устуворлик хусусий корхона ва хўжаликларнинг маҳсулот ва хизматларни яратишда, уларнинг олди-сотди қилинишида етакчи бўлишини билдиради. Булар биргаликда иқтисодиётнинг хусусий секторини вужудга келтириб, хусусий корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ва хусусий капиталнинг ҳиссаси катта бўлган акционерлик жамиятларидан ташкил топади. Иқтисодиётнинг мулкчилик шакли жиҳатидан тузилиши шуни кўрсатадики, ҳозир Ўзбекистон иқтисодиётидаги хусусий мулк ҳиссаси расман 35 фоиз, давлат мулкиники 24,5 фоиз, жамоа мулкиники эса 39,5 фоизни ташкил этади. Бу рақамлар ҳозирча хусусий мулкнинг мавқеи унчалик юқори эмаслигини билдиради. Бунинг бошқа сабаби ҳам бор: хусусий фаолият натижалари ҳар доим ҳам ҳисобга олинавермайди. Бу фаолият хонадон доирасида кечади, у товар ва хизматлар яратади, лекин уларнинг бозор нархи аниқ эмас. Деҳқон хўжалиги, томорқа ва хонаки ишлаб чиқаришдаги маҳсулот ва хизматларнинг ҳақиқий ҳажми тўғри аниқланиб, улар ялпи ички маҳсулот таркибига киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки турли мулк ҳиссаси аниқ бўлмас экан, мулкий тузилмани бошқариб бўлмайди, мулк ислоҳотларини қайси йўналишда чуқурлаштириш зарурлигини ҳам билиб бўлмайди.

## Ривожланиш манбалари

Хусусий мулк — бозор иқтисодиётининг таянч нуқтаси. Шундай экан, бозор ислоҳотлари мулкчилик шаклининг ўзгаришидан бошланиши, табиийдир.

Биздаги бозор ислоҳотлари моҳиятан режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига қайтишдир, чунки бозор муносабатларининг ривожи сунъий равишда инқилобий йўл билан тугатилган эди. Мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш хусусий мулкка асос солди. Лекин хусусий мулкнинг ривожланиши уч манба ҳисобидан бормоқда.

Энг аввало, хусусий мулкка қонун йўли билан рухсат этилиши ва дахлсизлигининг кафолатланиши кишиларда хусусий мулк туйғусини уйғотди. Улар мулк эркинлигидан фойдаланиб, ўзининг йиққан-терган ҳисобидан мулк ҳосил этиб, уни ишга солдилар, яъни тадбиркорликка қўл урдилар. Бу ерда мулк соҳибларнинг ўзи ҳисобидан шаклланди.

Қолаверса, давлат мулки уни айрим фуқароларга сотиш йўли билан хусусий мулкка айлантирилди. Давлат ҳисобидан мулкка эга бўлганлар ҳам тадбиркорлар сафига қўшилди. Бу билан ишлаб чиқариш соҳасидаги хусусий мулк қарор топди.

Шунингдек, давлатга қарашли ерлар қўшимча равишда томорқа учун ажратиб берилди. Натижада томорқа ихтиёридаги ер кўпайиб, у хусусий хўжаликни кенгайтирди. Томорқа асосида майда деҳқон хўжалиги пайдо бўлдики, бу ҳам хусусий секторни ҳосил этди.

Ва энг охиргиси, хусусий мулк ўз соҳиблари топган даромад ҳисобига кенгайиб борди.

Хусусий мулкнинг ривожланиш йўллари шуни кўрсатадики, бу мулк ўзга ҳисобидан ва ўзи ҳисобидан ўсиб борар экан. Хусусий мулкнинг ўзга ҳисобидан ўсиши унинг давлат ва жамоа мулки ҳисобидан ривожланиб боришини билдиради. Бу йўл ҳозир устувордир.

Хусусий мулкнинг ўзгалар ҳисобидан ривожланиши унинг экстенсив ўсиши, яъни доирасинимг миқдоран кенгайиб боришини билдиради. Мулкнинг ўз соҳиблари даромадининг капиталлашуви, яъни мулкка келиб қўшилиши туфайли ўсиб бориши унинг интенсив ўсишини билдирадики, бу сифатли ўсишдир. Хусусий мулк ривожининг экстенсив усули ҳозирги даврга хосдир.

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида зикр этилган қарори хусусий мулкни қарор топтириш ва ривожлантиришда ғоят муҳим қадам бўлди. Бу қарорга биноан, биринчидан, акционерлик корхоналардаги давлат улуши эркин сотилиб, хусусий мулкка айлантирилади, иккинчидан, тўла-тўкис давлатга қарашли корхоналар хусусий мулк қилиб сотилади, учинчидан, истиқболсиз бўлгани учун тугатилиши зарур бўлган давлат корхоналарининг асбоб-ускуналари ва мол-мулки мулкдорларга арзонлаштирилган нархда сотилади. Натижада хусусий мулк доираси жилдий кенгаяди. Унинг ўсиши ширкатлар мулки фермерлар мулкига айлантирлиши орқали ҳам юз беради.

Фермер хўжалиги хусусий хўжалик бўлиб, бозор иқтисодиёти табиатига мос келадиган хўжаликдир. Фермерлар сонининг кўпайиши ва уларга иқтисодий эркинлик берилиши аграр ислоҳотларнинг изчиллигидан дарак беради. Аммо фермерлар ҳар томонлама ҳимоя қилинмаса, уларни турли ҳокимлик идораларининг маҳаллий чеклашларига ҳар қадамда дуч келиш хавфи туғилади.

**Алишер ВАҲОБОВ,**
**Тошкент молия институтининг ўқув ва услубий ишлар бўйича проректори, иқтисод фанлари доктори.**

*(Давоми бор. Бошланиши ўтган сонда).*

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

# Кўча ёритгичлари ўзимизда тайёрлана бошланди

Андижондаги «Электраппарат» заводининг бу янги маҳсулоти ўзининг рақобатбардошлиги, айни дамда сифатлилиги ҳамда арзонлиги билан эътиборга тушди.

Корхона маҳсулотлари даставвал Балиқчи ҳамда Олтинкўл туманлари кўчаларини чароғон этди. Ўзига хос синовдан муваффақиятли ўтгач, қатор жамоалардан буюртмалар туша бошлади. Энди мижозлар ёритгич излаб узоққа бормайдиган бўлдилар.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Наслли мол — асл мол, дейди кекса чорвадорлар. Бу ҳикматни Чортоқ туманидаги «Чортоқ-барака» наслчилик фермер хўжалиги аъзолари дастуруламал қилиб олишган. Негаки, бугунги кунда хўжалик фермасида 170 бош «қора-ола» зотли қорамол ветеринария ва наслчиликнинг илмий талаблари асосида парваришланмоқда. Мавжуд соғин сигирлардан ўртача 13,5 литрдан сут соғиб олинаяпти.*

*52 гектардаги ғалла ва пахта майдонидан юқори ҳосил кўтариш ниятида меҳнат қилаётган жамоа аъзолари 31 гектарда озуқабоп экин ҳам парваришлаяпти. Чунки сигирнинг сути тилида-да.*

*СУРАТДА: «Чортоқ-барака» наслчилик фермер хўжалиги раҳбари Нўъмонжон Темиров ишчи Яҳёмирзо Дедошев билан озуқа экини даласида.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# Фермер қўйган «5» баҳолар

Бугуннинг гапи

Абдуқаюм Эшонқулов шоша-пиша нонушта қилди-ю, ишга отланди. Аммо ҳар куни оқ йўл тилаб қоладиган Манзурахон не учундир бугун унча рўйхушлик бермади.

— Ҳа, Турондот, на бўлди? — ҳазилга олди Абдуқаюм. — Арпангизни хом ўрдимми, десам, арпа ҳали етилгани йўқ.

Манзурахон ҳазилни ҳам қабул қилмай, жизиллаброқ жавоб қайтарди:

— Сизни билганингиз далаю мол... Болалар билан ишингиз йўқ!

— Болалар тарбияси билан Шарқда асосан аёллар шуғулланган, — ҳазилни давом эттирди Абдуқаюм. — Масалан, Амир Темурдек Жаҳонгирнинг набиралари тарбияси билан ҳам Бибиҳоним...

— Э, боринг-е!

Абдуқаюм сергак тортди: жиддийроқ гап чиқиб қолдимикин? Ахир, болаларининг дарс тайёрлашлари, дам олишлари, қисқаси, уйда бўладиган чоғларида вақтларини кўнгилли ва фойдали ўтказишлари учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё бўлса, яна нима керак? Қишлоқ аёллари уни энг ғамхўр ота сифатида намуна қилиб кўрсатишади ўз «хўжайин»ларига. Наҳотки, шу пайтгача мақталиб келаётган фарзандларидан бирортаси номаъқул иш қилиб қўйган бўлса?

— Нима гап?— сўради Абдуқаюм ниҳоят. — Тинчликми ўзи?

— Болаларни ўқиши билан ишингиз йўқ! — тўлиқиб гапирди Манзурахон. — Бирон марта сўрамайсиз, имтиҳонпимтиҳон ҳам қилиб кўрмайсиз!

Абдуқаюм фарзандларининг ўқишларини, юриш-туришларини директордан, ўқитувчилардан доимий равишда сўрабсуриштириб турар, шунинг учун кўнгли тўқ эди. Аммо ҳозир буни хотинига айтишни раво кўрмади, ясама жиддият билан буюрди:

— Чақир болларингни! Йўқ, ҳозирча биттасини чақир, вақтим зиқроқ! Қани, мени имтиҳонимдан ўта олармикан...

Манзурахон саккизинчи синфда ўқийдиган ўғли Ғайратни чақириб чиқди.

— Энг аввало, «Она тили»дан синаб кўрамиз, — деди Абдуқаюм ва илжайиб қараб турган ўғлига жиддий тикилиб, биринчи саволни берди:

— Қани, айт-чи, фермер хўжалигимизнинг номи нима?

— «Ғайрат»!

— Бу сўз қандай маъноларни билдиради?

— Аввало, менинг отимни. Иннанкейин ғайратминан, зўр ишлашни!

— «Беш!» — деди Абдуқаюм завқланиб. — Энди «Тарих»га ўтамиз: фермер хўжалигимиз қачон ташкил этилган?

— 1992 йилда! — дадил жавоб қайтарди Ғайрат. Сўнг аясига жилмайиб қараб қўйдида, сўзида давом этди: — Дадам ва аямнинг ўзаро суҳбатларидан олинган маълумотларга қараганда, ўша йили банк берган йигирма беш минг сўм кредитга ўттиз беш бош қорамол сотиб олинган. «Боёвут» калхўзи томонидан ажратилган етти гектар ернинг беш гектарига беда, икки гектарига макка экилган. Бедаям, маккаям ҳамманикидан зўр бўлган. Ҳатто аям дадамга билдирмай бориб даламизга исириқ ҳам солиб келган...

— Ортиқча тафсилотларга ўтилмасин!... Кейинги савол: тўқсон бешинчи йилда қандай тарихий воқеа содир бўлди?

— Яна йигирма гектар ер қўшиб олинди. Моллар олтмиштага етди. Битта «Т-28» трактори, битта «КИР» харид қилинди.

— Яхши. Тўқсон еттинчи йил воқеалари ҳақида гапиринг? — Абдуқаюм «имтиҳон»га қизиқиб кетганидан ўғлини сизлаб юборганини ҳам пайқамай қолди.

Ғайрат эса қувлик билан жилмайган куйи жавоб қайтаришда давом этди:

— Тўқсон еттинчи йилда ҳам эсда қоладиган воқеалар рўй берди: ерларимиз қирқ гектарга, молларимиз юз бошга етди, битта «Беларусь», битта «Олтой», яна йигирма бош зотли мол сотиб олдик... — «Беш!» — деди Абдуқаюм. Кейин хотинига қараб хитоб қилди: каттанг ўқишда ўзимга ўхшайди, демабмидим!

Бир қишлоқда туғилиб-ўсиб, бир мактабда сабоқ олганликлари боис Абдуқаюмнинг қандай ўқиганлигини ғоят яхши билувчи Манзурахон эътирозга оғиз жуфтлаган эди, Абдуқаюм вақтида отни қамчилаб қолди:

— Энди асосий фан — «Иқтисодиётга» ўтамиз...

— Бизди мактабда «Иқтисодиёт» ўтилмайди! — эътироз билдирди Ғайрат.

— Ўтиладими-ўтилмайдими, билишинг керак! — кескин гапирди Абдуқаюм. — Чунки ҳозир замон шуни талаб қилади. Хўп, майли, мен майдалаб сўраб ўтирмай, фермер хўжалигимиз иқтисодиёти ҳақида билганларингни ўзинг гапириб берақол!

— Биринчи йили етти тонна сут, уч тонна гўшт топширдик, — гапни бошлади Ғайрат. — Олган даромадимизга шу йилнинг охирида битта «Беларусь» сотиб олдик. Тўқсон еттинчи йили «Сайхунсут» акциядорлик жамиятига қирқ беш тонна сут сотдик. Даромад зўр бўлди.

— Аниқ суммасини айт!

— Аниқ суммасини ўзингиз айтмагансиз,«даромад зўр бўлди» дегансиз, холос. Аямга «Болаларга шунча пулни айтиб бўладими? Кўча-кўйда ҳаммага айтиб юриши мумкин» дегансиз.

— Жа-а тўғри айтган эканман. Давом эт!

— Ўша йили «Пахтабанк»нинг Деҳқонобод бўлимидан тўрт миллион уч юз минг сўм кредит ҳам олдик. Бу пулга, боя айтганимдек, «Беларусь», «Олтой»...

— Кейинги йилга ўт!

— Кейинги йили деҳқончилик ҳам қиламиз, дедингиз. Яна қирқ гектар ер олдик. Йигирма гектарига пахта экиб, шартномавий режадаги йигирма саккиз ярим центнер ўрнига ўттиз тўрт центнердан хирмон кўтардик. Йигирма гектарига буғдой экиб, гектаридан режадаги қирқ бир центнер ўрнига эллик беш центнердан ҳосил олдик. Қолган қирқ гектардаги озуқа экинлари ҳам зўр бўлди. Эллик икки тонна сут сотдик...

Абдуқаюм «имтиҳон»дан ҳузур қилаётганди, бироқ бу ёқда иш дегани кутиб турарди. Шунинг учун:

— Қисқа қил! — деди ўғлига. — Бултурги натижаларни гапириб қўяқол!

— Деҳқончилик зўр бўлди, эллик беш тонна сут ҳам сотилди! — дадасининг шошилаётганини кўриб қисқа қилди Ғайрат. — Моллар бир юз ўттиз беш бошга етди. Саккиз миллион сўм соф фойда олдик.

— Се-е-кин! Мунча оламга жар соласан! — эҳтиёткор фермер бир аланглаб олди. Сўнг қўлини узатди:

— Маладес, ота ўғил, «Иқтисодиёт»дан ҳам баҳоинг «беш!»

Аслида эҳтиёткорликка ҳожат қолмаганди: Абдуқаюм фермер эришган ютуқлар ҳам, топган пуллар ҳам элнинг оғзида достон эди. Ахир, бу ҳақда Гулистон тумани газетаси ёзди, вилоят газетаси ёзди. Мана энди ота-бола «имтиҳон»ини сиз, азизларга биз етказиб турибмиз.

... Илоҳо, барча фермерларнинг фарзандлари Ғайратжонга ўхшаб «беш»лар олишсин! Ва фермерларнинг ўзларига ҳам мамлакат хазинасини бойитишдек, эл-улус дастурхонини тўкин қилишдек оғир ва шарафли имтиҳонда «аъло» баҳолар тилаймиз! Зеро, сизу бизнинг фаровон ҳаёт кечиришимиз ана шу «беш» баҳоларга жуда ҳам боғлиқдир.

**Мухторали НОСИРОВ,**
**Сирдарё вилояти.**

"Халқ сўзи" назоратида

# СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТ УЧУН ЖАРИМА

**Газетамизнинг шу йилги 31 январь сонида "Ўзингдан чиққанига нима етсин" сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган хусусий корхоналардан айримларида тайёрланаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати талабга жавоб бермаслиги танқид қилинганди. Шу муносабат билан яқинда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари А. АБДУВАЛИЕВдан қуйидаги расмий жавобни олдик:**

"Агентликнинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссиясига Юнусобод туманидаги "Нико-сервис" ва "Сифат" хусусий корхоналарида текшириш ўтказиш учун қўшима буюртмалар берилиб, рухсат олинди.

Ўтказилган қисқа муддатли текшириш жараёнида "Нико-сервис" ишлаб чиқарган "Сокин" ошхона газланган сувининг сифати, ҳақиқатан ҳам, меъёрий ҳужжат талаблари даражасида эмаслиги аниқланди. Шунга кўра, 2003 йил 17 мартда ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришни ва сотишни тақиқлаш тўғрисида 14-сонли фармойиш берилди. Корхона раҳбари эса маъмурий жавобгарликка тортилиб, ундан жарима ундириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Яккасарой тумани Давлат солиқ инспекциясидан олинган маълумотга қараганда, "Сифат" хусусий корхонасининг иш фаолияти туман ҳокимининг 1999 йил 29 апреллдаги 547/297-сонли қарорига биноан тугатилганлиги маълум бўлди. Шу боис унда текшириш ўтказилмади".

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

вилоятда 2003 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги иншоотларга танлов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади:

1. Ангор туманидаги 17-сонли мактабни қишлоқ хўжалиги йўналишидаги 600/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежига қайта таъмирлаш.
2. Шеробод туманининг Н.Муродов номли ширкат хўжалигидаги 18-ҳунар-техника билим юртини хизмат кўрсатиш йўналишидаги 600/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежига қайта таъмирлаш.
3. Музработ туманининг Бешкўтон қишлоғидаги 8-ҳунар техника билим юртини қишлоқ хўжалик йўналишидаги 450/50 ўқувчи ўринли касб-ҳунар коллежига қайта таъмирлаш.

Қурилиш ишларини якунлаш муддати — 2003 йил IV-чорак.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги мукаммал қурилиш бошқармаси.
Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.
Телефонлар: 2-49-71, 2-49-77, факс: 2-49-75.

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар заҳирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Сурхондарё вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, М. Каҳҳор кўчаси, 14-уй.
Тел./факс: (8-37622) 2-75-01, 2-75-04.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.
Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳри, М.Каҳҳор кўчаси, 14-уй.

7261011

Ўз уйингни ўзинг асра

# Осойишта маҳалланинг яхши одимлари

*Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Намунали милиция таянч пунктлари конкурс-кўргазмаси»да Бухоро шаҳридаги "Навбаҳор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Одил Раҳимов "Энг осойишта ва обод маҳалла" йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритиб, Республика оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармасининг мукофоти билан тақдирланди.*

*Маҳалла профилактика инспекторлари, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси, хотин-қизлар кенгаши ва яраштирув комиссияси аъзолари ҳамда педагог-тарбиячилар фаолиятини намунали ташкил этиб, ушбу маҳалланинг осойишта ва обод бўлишига қандай эришилгани хусусида вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Абдулла Ҳамроевдан сўрадик.*

— Бухоро шаҳар Тўқимачи тумани ИИБ 7-сонли милиция таянч пункти бир қаватли алоҳида бинода жойлашган. Унда профилактика инспекторлари, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспекторлари иш юритади, — дейди А. Ҳамроев. — Бинода "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси аъзолари, педагог-тарбиячи, хотин-қизлар кенгаши ва яраштирув комиссияси аъзолари учун иш хоналари мавжуд.

Милиция таянч пункти атрофида спорт майдончалари ташкил этилган. Мазкур жойда ҳар хил турдаги спорт тўгараклари фаолият юритмоқда.

Маҳалла профилактика катта инспектори, милиция катта лейтенанти Нодир Армонов, вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш инспектори, милиция капитани Бахтиёр Равшанов ҳамиша ўз ўрнида. Улар ўтган йил мобайнида ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахслар билан якка тартибда профилактик ишлар олиб боришмоқда. Ўтган йили турли хил ҳуқуқбузарлик содир этган 473 нафар шахс аниқланиб, уларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Содир этилган 3 та жиноят ҳам «иссиғи»да фош этилди.

Маҳаллада жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Маҳалла посбонлари сардори Ориф Эргашев жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўтказилган тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда. У 2 та жиноятни очишда иштирок этиб, бевосита ўзи 67 та ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлади.

**— Оилада аёлнинг роли қанчалик аҳамиятли бўлса, маҳаллада маҳалла хотин-қизлар қўмитасининг ўрни ҳам ўзига хос бўлади...**

— "Навбаҳор" маҳалласи хотин-қизлар қўмитасининг раисаси Мукаррам Ибрагимова аёлларни ўз сўзига ишонтира оладиган, уларнинг ғам-ташвишларию қувончларига шерик бўла оладиган аёл. Олий маълумотли педагог бу опамиз ўтган йили 31 та оилани ажралиб кетишдан сақлаб қолди. Аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларни, шунингдек ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш борасида ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйди.

Маҳалла педагог-тарбиячиси Озода Ортиқова етарли тажрибага эга. У ёшларнинг бўш вақтлари самарали ўтишларини таъминлаш мақсадида спорт майдонига болаларни жалб этмоқда. Уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун турли мусобақалар уюштирмоқда. Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган 4 нафар шахсни аниқлаб, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш ва ҳунар ўргатиш мақсадида яхши тажрибали усталарга шогирдликка берди.

Мана шу ишларнинг барчасида маҳалла оқсоқоли Одил Раҳимов бош- қош. Шу кунларда у киши милиция таянч пункти ёнида кичик бизнес корхоналарини, миллий ҳунармандчилик устахоналари очиб, уларга ёшларни жалб этишга астойдил киришган. Шу мақсадда ҳомий ташкилотлар имкониятларидан самарали фойдаланмоқда.

**— Абдулла ака, айтингчи, бундай осойишта ва обод маҳаллалар Бухорода кўпми?**

— Оз эмас. Насиб этса, бу йил улар янада кўпаяди, деган умиддамиз. Негаки, "Обод маҳалла йили" муносабати билан вилоятимизда махсус дастур асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўз навбатида биз ҳам ҳар бир обод маҳалланинг осойишта, тинч ва хотиржам бўлишини таъминлаш учун кенг қамровли тадбирлар олиб бораяпмиз. Масалан, вақти-вақти билан ўтказилаётган "Тозалаш" тадбирида асосий эътиборни ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш билан бирга фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қаратдик. Шу мақсадда учрашувлар ташкил этдик. Унда ҳокимият вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари қатнашди.

Бундан ташқари вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида "Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра" шиори остида учрашувлар ўтказилиб, унда диний экстремизм, терроризм ва жиноятчиликнинг олдини олиш, хавфсизликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги доимо уқтирилади ва бу ўз самарасини бермоқда.

**Ш. РЎЗИЕВ**
**суҳбатлашди.**

# АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР

2003 йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши муносабати билан Фарғона туманидаги Шоҳимардон қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам турли тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, "Оқила қиз" мавзусида қизлар ўртасида кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда 1-мактабнинг юқори синф ўқувчи қизлари ва маҳалла аёллари ўз билимларини, санъатга қизиқувчанликларини, пазандаликларини зўр маҳорат билан намойиш этишди.

"Қизлар — бўлғуси оила бекалари" мавзусида ўтказилган кўрик-танловда эса Ёрдон маҳалла фуқаролар йиғинидаги 8 та маҳалла қизлари иштирок этишди. Кўрик-танловда Гулзода Юнусова, Гулнора Бердалиева ва Шаҳноза Топиевалар ғолиб топилиб, "Ёрдон-Сув" халқаро ташкилоти, қишлоқда яшовчи тадбиркорларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

**С. ДАДАХЎЖАЕВ,**
**Фарғона.**

«Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖга Тошкент шаҳар Ер муносабатлари ва кўчмас мулк каластрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан 5-87/02 реестр билан рўйхатдан ўтган Яккасарой тумани, Глинка кўчаси, 41а уйда жойлашган бинога берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**




Китоблар оламида

***"Тарих соҳасида меҳнат қилаётган олим, мутахассисларга мурожаат қилмоқчиман: сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, ғурурни уйғотсин. Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас".*** *Мамлакатимиз раҳбари томонидан тарихчи олимлар ва ижодкор зиёлилар билан учрашувда айтилган бу гаплар замирида Ватан ва миллат тақдирига қуйиниш, халқимиз кечмиши билан боғлиқ ҳақиқатларни тиклашнинг бугунги кун ва истиқбол учун нечоғлик аҳамиятли эканлигини таъкидлаш ҳисси мужассам. Ўз навбатида, Юртбошимиз томонидан тарихчи олимлар олдига ҳаққоний тарихни тиклаш вазифаси қўйилган эди.*

# ТАРИХНИ АНГЛАШ ЗАКОВАТИ

Миллатимизнинг, жумладан, чор Россияси мустамлакаси билан боғлиқ бир юз ўттиз йиллик даври тарихини ўрганиш, тадқиқ этиш борасида Юртбошимиз томонидан кун тартибига қўйилган бу вазифани бажаришда заҳматкаш олим, профессор Шариф Юсуповнинг муносиб ҳиссаси бор. Олимнинг тарихий мавзудаги "Худоёрхон ва Фурқат", "Хуфия қатламлар" каби асарлари ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Унинг яқинда нашрдан чиққан "Тарих ва адаб бўстони" номли салмоқли тадқиқоти бу борада қўйилган навбатдаги залворли қадам бўлди, дейиш мумкин.

Бўлиб ўтган суҳбатда Президентимиз ўта муҳим бир масалани, яъни миллатимиз тарихини сохталаштиришга, ҳатто соҳибқирон Амир Темурдай зотга ҳам туҳмат қилишга уринишлар бўлганлигини таъкидлаган эдилар. Профессор Ш. Юсупов Президентимиз ўртага ташлаган тарихни ҳаққоний ёритиш концепцияси асосида Худоёрхон фаолиятига холис ва муносиб баҳо берди. Худоёрхоннинг ўз ҳукмронлиги даврида қўплаб масжиду мадрасалар, қорихоналар, карвонсаройлар, бозор расталари, йўллар, кўприклар қурдирганлиги, бир сўз билан айтганда, чинакам бунёдкор бўлганлигини тарихий ҳужжатлар асосида исбот қилди.

Худоёрхоннинг яхшигина шеърий иқтидори бўлганлиги, шеъриятнинг анча мураккаб жанри — тарихда ҳам қалам тебратганлиги тўғрисида олим аниқлаган маълумотлар, айниқса, аҳамиятли.

Таассуфлар бўлсинки, оддий ўқувчилар тугул, ҳатто айрим мутахассисларда ҳам тарихга нисбатан жўн бир қараш мавжуд: гўё ҳар бир ҳужжат тарих бўла олади. Агар ҳақиқатдан ҳам шундай бўлганида эди, муаррихнинг хизмати нари борса тўпловчилик сифатида баҳоланиши мумкин бўларди. Шариф Юсупов тарихни баҳолашда ўзгача мезонлар асосида ёндашади.

Тадқиқотчининг қўлига тушган, сақланиш жойи аниқ бўлган факт ва ҳужжатларнинг ўзи тарих бўла олмайди. Улар тарих ҳақиқатини аниқлашда восита холос. Тадқиқотчи масалан, халқимиз ўтмишининг мустамлака истибдоди билан боғлиқ ўта мураккаб бир даврида юзага келган факт ва ҳужжатлар замирида нималар турганини, улар қандай зарурат туфайли пайдо бўлиб қолганини идрок этмоғи даркор. Олим ушбу умумлашма назарий фикрларини бир неча тарихий воқеаларга оид факт ва ҳужжатлар таҳлили асосида далиллайди.

Лекин бундан олим ўша даврда чор Россияси қатағонига учраган барча ҳамюртларимизни бирваракайига оқлаш йўлини тутган экан-да, деган хулоса чиқармаслик керак. У ўзини Кўқон хонлари авлодидан, деб эълон қилиб, халқнинг бошига кўп кўргиликлар солган, ҳатто бешикдаги чақалоқларни кундага қўйиб, қилич билан чопиб ташлагани сабабли эл-юрт нафратига учраб, "Заҳҳоки соний" лақабини олган сохта Пўлатхон, ўз нафси йўлида юртни қурбон қилишдан ҳам тоймайдиган Абдурраҳмон офтобачи кабилар ҳақида фикр юритар экан, гарчи қатағон қилинган бўлсалар-да, уларни оқлаб бўлмаслигини таъкидлайди. Олимнинг фикрича: "... улар кишида ачиниш эмас, балки нафрат туғдиради".

Профессор Ш. Юсупов, тарихшунослигимизда биринчи марта, мустамлака қатағонининг асл моҳиятини, бу қатағоннинг шу пайтгача ҳеч бир мутахассис хаёлига келмаган хусусиятларини очиб берди. Олимнинг фикрича, қатағондан наинки мустамлака гирдобига тушган халқ, ҳатто истилочи миллат вакиллари ҳам жабр кўрган. Шу маънода, қатағон вақшатидан фидойи юртдошларимиз қатори, Россиянинг илғор зиёлилари, ҳатто ҳукмрон табақа вакиллари (албатта, инсофлилари — таъкид бизники Н.А, Н.Ж.) ҳам бенасиб қолмаган.

Бундан ташқари, олимнинг "Тарих ва адаб бўстони" китобидан Худоёрхон набираси Исломбекнинг ўзбек дипломатияси тарихида ёрқин саҳифани ташкил этган ибратли ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги "Буни умр дерлар...", Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжа ўғлининг авлодларга сабоқ бўларли ҳаёт йўлидан баҳс юритувчи "Маърифатпарвар қози", миллатимиз тарихидаги муҳим ҳодисалар моҳиятини ва қонуниятларини очиб берган "Янгича маърифатпарварлик ва жадидлар" каби теран тадқиқотлар ҳам ўрин олган.

Фақат бугина эмас. Китобнинг "Адаб бўстонига наззора" қисмидаги Фурқат, Муҳйи, Ҳазиний, Мавлоно Чустий ҳақидаги тадқиқотлар тарихий-адабий меросни тадқиқ этиш борасида профессор Ш. Юсупов олиб бораётган самарали фаолият маҳсули сифатида баҳоланмоғи керак. Гарчи турли мавзуларга бағишланган бўлсада, ушбу тадқиқотларни бир муҳим хусусият бирлаштириб туради. Бу, биринчидан, уларнинг тамомила янги материаллар асосида ёзилганлигида, иккинчидан, факт ва маълумотлардан муҳим назарий-эстетик хулосалар чиқарилганлигида яққол кўзга ташланади.

Профессор Ш. Юсуповнинг мазкур тадқиқотлари, шубҳасиз, тарихшунослигимиз ва адабиётшунослигимиз ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилажак.

**Назира АБДУАЗИМОВА,**
**Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази бош илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор.**

**Нурбой ЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети доценти, филология фанлари номзоди.**

# УЧТЕПА ЎТОВЛАРИ

Халқ амалий санъати

Бурноғи йилнинг айни жазирамасида Томди туманига йўлимиз тушди. Йўл азоби-ю, ҳаво ҳароратининг юқорилиги ҳар қандай кишини ҳам лоҳас қилади. Қанийди, бирпас нафас ростлаб оладиган соя-салқин жой топилса.

Олдиндан чиққан ўтовга қўниб ўтишни ният қилдик. Ўзини Қодирбек Нурлибоев деб таништирган норғул йигит кўнглимиздагини сезди шекилли, ўтовига бошлади. Ўтовмисан ўтов экан. Салқинлиги танга роҳат бағишлайди. Безатилишини айтмайсизми. Ҳамроҳим айлана тикилган нақшлар, матолардаги кўринишлардан кўз ололмасди. Шунда Қодирбек унинг керагасию-чанғараси, тўққиз бўлак кигизи, бойловию-увиғидан сўзлаб берди. Ва қўшиб қўйди: ўзимизнинг Учтепа ўтови-да.

Учтепа — қўшни Конимех туманининг «Қизилқум» ширкат хўжалиги ҳудудидаги қўрғон. Азалдан чорвадору ҳунармандларни бирлаштирган манзил. Буюк Ипак йўли тожирлари ушбу манзилга алоҳида эътибор беришган. Сабаби — қўрғоннинг ҳунарманд тўқувчилари, нозикдид усталари тайёрлаган маҳсулотлар харидорлиги билан ажралиб турган. Жундан тўқилган ва босилган устки кийимлар, кигизларни узоқ-узоқларда ҳам билишган. Айниқса, ўтовлар, уларни безайдиган наматларнинг қадри баланд бўлган.

— Учтепаликлар ота-боболарининг удумларини давом эттиришаяпти, — дейди Конимех тумани ҳокими Усен Умаров. — Биласиз, ўтовлар миллий қадриятларимиз асоси ҳисобланган халқ амалий ҳунармандчилиги маҳсулидир. Қадимда унинг ёғоч устунлари, тирғакли чўпларини ясайдиган усталар жуда қадрланган. Негаки, бундай машаққатли ишга унча-мунча усталар юрак бетлаб қўл уришавермайди. Ахир, ота-боболаримиз ўтовнинг ёғочларини мустаҳкам саритолдан, саксовулдан тайёрлашганда. Бу дарахтлар ўта қаттиқ, улардан эгилувчан тирғаклар ясаш анча мушкул иш. Учтепаликлар ўтовлар яратишдан завқ, илҳом олишади. Эндиликда у янада ривожланиб бораяпти. Наматлари янада чирой очгандай.



Ўтган йил охирида Қозоғистоннинг Туркистонида шу ўтовлар намойиш этилди. Муқаддас Арслонбоб ва ҳазрат Аҳмад Яссавий қадамжоларида тикилган ўтовларда бир-бирига дўст, қондош-жондош халқлар ширин суҳбатлар қуришди, ўланлар айтишди. Муҳими, мезбонлар учтепалик уста ва чеварлар маҳоратига юксак баҳо беришди.

Чиндан ҳам туман марказидан 250 километр узоқликда жойлашган қўрғонда тайёрланаётган ўтовларни кўриб ҳайратланасиз. У чорвадорларни қиш аёзи ва ёз жазирамасидан асрайди. Шунданми мазкур ўтовларга Хоразму Туркманистондан, Қорақалпоғистону Қозоғистон томонлардан харидорлар келишмоқда, буюртмалар беришмоқда. Вилоятдаги чорвадорлар учун ҳам бундай бошпаналар жуда асқотмоқда.

Учтепа бозорига кирсангиз харидсиз чиқолмайсиз. Хилма-хил сур терилардан тикилган телпагу тумоқлардан тортиб, от эгарию-юганларигача топилади. Темирчилар қўлида сайқал топган уй-рўзғор буюмларининг чидамли, сифатлилиги диққатни тортади. «Қизилқум сур» кичик корхонасида тикилаётган тўну нимчалар, иссиқ пахтали шимлар, жунли пўстинлар, қўлқоплар қўлма-қўл бўлиб кетаётганига гувоҳ бўласиз. Бозордаги маҳсулотларнинг қарийб ҳаммаси шу қўрғонда ишлаб чиқарилаётганини эшитиб, тадбиркорлик учтепаликларнинг қонида борлигига ишонч ҳосил қиласиз.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Яқинда «Ўзбектуризм» компаниясининг мажлислар залида «Аббос» гуруҳи етакчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аббос Қосимов ва «Гули-Бону» продюссерлик маркази ходимлари билан матбуот анжумани ўтказилди.*

## Миллий оҳангларимиз жаҳон кезмоқда

**А. Қосимов бошчилигида 1994 йили ташкил топган «Аббос» доирачилар дастасининг 12 та миллий куй ва оҳанглардан иборат «Зарбга-зарб» номли альбоми тингловчилар томонидан илиқ кутиб олинди. 1998 йил доирачилар сафига карнай-сурнайчилар ҳам қўшилиб «Аббос» миллий чолғу гуруҳи янада кенгайди. «Байрам таронаси» куйи гуруҳнинг илк ижодий намунаси ҳисобланади. Шуниси қувончлики, ушбу куй «аббос»чиларнинг шуҳратига шуҳрат қўшиш билан бирга 17 куйдан иборат навбатдаги альбом яратилишига замин яратди.**

**2003 йилнинг март ойидан бошлаб «Аббос» гуруҳи «Гули-Бону» продюссерлик маркази билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Ушбу ҳамкорлик натижасида гуруҳ АҚШнинг Техас штатида 12-16 март кунлари ўтказилган SXSW (Sout bu Soutwest Music) фестивалида қатнашиб, мухлислар эътирофига сазовор бўлди.**

**9000 дан ортиқ гуруҳ иштирок этган ушбу фестивалда ўзининг миллий кийими, миллий чолғу асбоблари ва уларнинг садолари билан йиғилганларни ўзига ром айлаган «Аббос» гуруҳи ва унинг ижоди ҳақида штат телеканалларида кўрсатувлар, газета ва журналларда ахборот ва мақолалар чоп этилиши гуруҳнинг нуфузини янада оширди.**

**«Аббос» гуруҳининг ижросига мафтун бўлган Техас штатининг Рика Перри (Rick Perry) губернатори офиси ҳам губернатор номидан АҚШдаги Ўзбекистон элчихонасига, Ўзбекистондаги АҚШ элчихонасига ва «Гули-Бону» продюссерлик марказига ўз миннатдорчилик мактубларини йўллаган.**

**Бундан ташқари Вашингтондаги элчихонада хизмат қилаётган Нью-Йоркдаги Queens туманида истиқомат қилувчи ватандошларимизга миллий куй ва миллий оҳангларимизни маҳоратли тарзда ижро этиб, олқишларга сазовор бўлган.**

**1-12 май кунлари «Аббос» гуруҳининг Буюк Британияда (Глазго ва Лондон шаҳарлари) бўладиган The Trumpets! мусиқий концертда қатнашиши кўзда тутилмоқда.**

**Концерт давомида гуруҳ Лондоннинг энг машҳур симфоник оркестри дирижёри ҳамда етакчи бастакор Питер Вейгольд (Peter Weigold) ва таниқли трубачи Джон Воллес (John Wallace) билан биргаликда ўз маҳоратларини хорижликларга намойиш этадилар.**

**Баҳодир ФАЙЗИЕВ.**


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**қуйидаги ҳисоблаш техникаси учун эҳтиёт қисмлар етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади:**

- *шахсий компьютерлар;*
- *матрицали принтерлар* ***(EPSON FX-1170, EPSON LQ-2170, EPSON DFX-8000);***
- *лазерли принтерлар* ***(HP LASER JET-6L, HP LASER JET-5SI).***

**Буюртмалар мазкур эълон чоп этилган вақтдан бошлаб, 5 кун давомида қабул қилинади. Бунда компания (фирма) маҳсулотни улгуржи тарзда етказиб бериш учун ваколатга эгалигини тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатиши шарт.**

**Қўшимча саволлар билан Митрошин Олег Александровичга мурожаат қилиш мумкин. Телефон: 137-59-35 (ички: 22-16), факс: 137-62-68. E-mail: oleg@central.nbu.com www.nbu.com**



**Пудрат савдолари (тендер)ни ташкил этиш бўйича ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**Қашқадарё вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси**

**буюртмачилигида марказлаштирилган давлат маблағлари ҳисобидан вилоятда 2003 йилда қуриб ва қайта таъмирланиб фойдаланишга топшириладиган касб-ҳунар коллежларини қуйидагилар билан таъминлаш бўйича**

**ТЕНДЕР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

1. **Электр жиҳозлари:** *ҳар хил русмдаги трансформаторлар, тақсимлаш пунктлари, шитлар, бошқарув яшиклари, ёриттичлар, стартёрлар, ўт ўчириш жиҳозлари, кучланиш яшиклари.*
2. **Сантехника ва ошхона жиҳозлари:** *вентиляторлар, насослар, задвижкалар, ошхона жиҳозлари, кондиционерлар, пассажир лифтлари, ҳар хил ўлчагичлар, сигнализация приборлари, ўт ўчириш инвентарлари.*
3. **Мебель, спорт ва медицина жиҳозлари:** *шкаф, кресло, стол ва стуллар, металл сейфлар, тумбочка, стеллажлар.*
4. **Ҳар хил маркадаги кабель маҳсулотлари:** *очиқ ва ёпиқ электр симлар, газ ва сув ўлчагичлар.*

Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ташкилотлар, хусусий корхоналар ва фирмалар қатнашиши мумкин.

**Маҳсулот етказиб берувчи ташкилотлар:** *зарур касбий ва техникавий имкониятларга, ишончлилик, зарур ишчи ресурсларига, моддий маблағлар ва шартнома тузишга лаёқатли, молиявий барқарорликка, касбий тажрибага эга бўлишлари шарт.*

Барча таклиф этиладиган маҳсулотлар сертификатланган (лицензияланган) бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва тендер ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси

***— Қарши шаҳри, «Хонобод» шоссеси, 5-уйда жойлашган капитал қурилишда пудрат савдолари (тендер)ни ташкил этиш бўйича республика бошқармасининг Қашқадарё вилояти филиалига мурожаат қилиш мумкин. Телефон: 221-07-79.***

**Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.**

**Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 50000 (эллик минг) сўм.**

**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.**

**Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин ўтказилади.**

7218/2V/B



**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабига 2003/2004 ўқув йили учун тингловчиларни қабул қилиш**

**ҚОИДАЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майдаги №222 сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби ташкил этилган. Олий бизнес мактабининг асосий вазифаси — менежментнинг замонавий методларини эгаллаган, иқтисодий ислоҳотларни эркинлаштириш ва янада чуқурлаштириш бўйича республикада ўтказилаётган сиёсатни амалга оширишга доир ишларни ташкил этишга қодир бўлган юқори малакали бошқарув кадрларни тайёрлашдан иборат.

Олий бизнес мактабида ўқиш пулли-контракт асосида бўлиб, «Бошқарув бизнес магистри» дастури бўйича халқаро талаблар ва халқаро дастур асосида олиб борилади. Ўқиш муддати кундузги бўлимда – 14 ойгача ва сиртқи бўлимда – 24 ойгача мўлжалланган.

Олий бизнес мактабининг профессор-ўқитувчилар таркиби етакчи хорижий университетлар, тадқиқот марказлари, халқаро иқтисодий ва молия ташкилотлари мутахассислари ҳисобидан, шу жумладан, етакчи хорижий ўқув юртларининг магистр дипломини олган маҳаллий мутахассислар томонидан таъминланади.

Олий бизнес мактабига тингловчилар ишлаб чиқариш уюшмалари, концернлар, корпорациялар, компаниялар, холдинг компаниялари ва бошқа хўжалик бирлашмалари, йирик саноат корхоналари раҳбарларидан ва истиқболли мутахассислардан танлов асосида олинади.

**Тингловчиларни таклаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:**

- *40 ёшдан ошмаганлар кундузги бўлимга;*
- *50 ёшдан ошмаганлар сиртқи бўлимга қабул қилинади.*

Танловда қатнашмоқчи бўлган шахсларнинг ишлаб чиқаришдаги иш стажи бошқарувнинг тармоқ органларида (уюшма, концерн, компания, корпорация, холдинг компания ва бошқа хўжалик бирлашмаларида), шунингдек, ишлаб чиқаришда камида 4 йил меҳнат стажига эга бўлиши керак.

Олий бизнес мактаби тингловчилари назарий ва амалий курсларни ўтаб бўлганидан сўнг хорижий амалиётни АҚШ, Япония ва Европанинг ривожланган мамлакатларида ўқазадилар.

Олий бизнес мактабини тугатган тингловчиларга белгиланган намунадаги магистр дипломи берилади. Олий бизнес мактабини муаффақиятли битирган тингловчилар республика раҳбар кадрлар заҳирасига кириш имконига эга бўладилар.

**ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ**

1. ***Олий бизнес мактабига тингловчиларни қабул қилиш қабул ҳайъати томонидан амалга оширилади.***
2. ***Ҳужжатлар 2003 йил 12 майдан 14 июнгача қабул қилинади.***

**Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:**

- *тавсия этилган шахснинг аризаси;*
- *вазирликлар, ташкилотлар ва хўжалик тузилмалари раҳбариятининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари билан келишилган ҳолда тайёрланган йўлланма-тавсияномаси;*
- *олий маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;*
- *тўлов ҳақидаги ишонч хати;*
- *меҳнат дафтарчасидан кўчирма;*
- *шахсий варақа;*
- *086/у шаклдаги тиббий маълумотнома;*
- *4хб см. ўлчамли 8 та рангли фотосурат;*
- *маълумотнома (объективка);*
- *паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.*

3. Олий бизнес мактабига номзодлар учун кириш имтиҳонлари фанларидан консультациялар **2003 йилнинг 16 июнидан 28 июнига** қадар бўлиб ўтади.
4. Кириш имтиҳонлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида **2003 йилнинг 30 июнидан 12 июлига** қадар суҳбат ва компьютер тест синови тарзида ўтказилади.
   Тест синовлари муайян фанлар мажмуи асосида ўтказилади. Улар иқтисод, ҳуқуқшунослик ва менежмент бўйича саволлардан иборат.
   Ижтимоий-сиёсий мавзу ва чет тили бўйича синов суҳбат тарзида ўтказилади.
5. Олий бизнес мактабига танлов қабул ҳайъати томонидан рейтинг тизимидаги суҳбат ва тест синовлари натижалари асосида амалга оширилади.
   Олий бизнес мактабида ўқиш муддати давомида тингловчиларнинг ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади. Шартнома (контракт) тузиш шартлари ҳамда ўқиш учун тўлов миқдори Олий бизнес мактаби қабул ҳайъати томонидан белгиланади.
   Бошқа шаҳардан келган тингловчилар ётоқхона билан таъминланади ва харажати ўқишга йўлланган ташкилот томонидан қопланади.
6. Қабул ҳайъатининг қарори **2003 йил 20 июлдан** кечиктирилмай эълон қилинади. Ушбу қарор Олий бизнес мактаби директорига тингловчиларни ўқишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқларни расмийлаштириш учун асос бўлади.

***Ўқиш 2002 йил 2 сентябрдан бошланади.***

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 45-уй. Телефонлар: 132-61-62, 132-60-79.**

7240/010


Фан ва технологиялар марказининг босмахонаси жамоаси босмахона директори Мақсуд Холмухамедовга отаси **Маҳмуд ХОЛМУХАМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Магистратура ва иқтидорли талабалар факультети декани муовини, ички ёнув двигатели кафедраси доценти Миргани Файзиевга волидаи муҳтарамаси **МУҚАДДАМ аянинг** вафоти муносабати билан таъзия биддиради.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси илмий ишлар бўйича проректор Шерзод Абдуллаевга қизи **КАМОЛанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Республика Инкассация бирлашмаси жамоаси бирлашма шифокори Рисолат Асамовага отаси **Кенжа САИДХЎЖАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси институт Информатика ва табиий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди **Жўра ҚУДРАТОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Давлат белгиси» ДИЧБ Тошкент Қоғоз фабрикаси жамоаси корхона тиббиёт бўлимининг бошлиги Сурат Ходжановга падари бузруквори **РАҲМОНБЕРДИ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси уюшма аъзоси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Дамир Рўзибоевга акаси **Эмиль РЎЗИБОЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001. Буюртма 1 — 334. 30179 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

[ ] - Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Навбатчи — С. Донийёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6